

# МАХСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТЎҒРИСИДАГИ № 1-СОҢЛИ ШАРТНОМА

Мархамат тумани

«5» январ 2022 й.

Бундан буён “БУЮРТМАЧИ” деб аталувчи Мархамат тумани Мактабгача таълим бўлими Номидан Низом асосида фаолият олиб борувчи С.Шамшиева бир томондан ва бундан буён “ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ” деб аталувчи “Отлик” деҳқон хўжалиги номидан Низом асосида фаолият олиб борувчи А.Сотволдиев бошқа томондан ушбу шартномани куйидагилар тўғрисида тuzдилар.

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1 Ушбу шартномага асосан Буюртмачи товарни қабул қилади ва тўлайди, Етказиб берувчи эса куйидаги шартларга мувофиқ етказиб беради:

№	Товарларнинг Номи	Лот №	Ўлчов бирлиги	миқдори	нархи	Умумий суммаси
1	Карам		кг	30	3000	90000
2	Лавлаги		кг	30	2500	75000
3	Мол гўшти		кг	54	65000	3510000
4	Олма		кг	150	7000	1050000
5	Ошқовоқ		кг	20	2000	40000
6	Сут		литр	600	4000	2400000
7	Товуқ гўшти		кг	60	19000	1140000
	Жами					8305000

1.2 Шартноманинг умумий суммаси 8305000 (Саккиз миллион уч юз беш минг) сўм.

## 2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ

2.1 “Буюртмачи” мазкур шартномани ғазначилик бўлинмасида рўйхатга олинган кундан бошлаб 30 календар куни ичида қонунчиликка мувофиқ, шартнома умумий суммасидан 30 % миқдориди (шартнома суммасидан 30% миқдориди) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70% ни товарни олгандан сўнг 10 календар куни ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҳисоб-фактура ва б. асосида тўлайди.

2.2 “Етказиб берувчи” аванс маблағлари Етказиб берувчининг тегишли ҳисобварағига келиб тушган вақтдан бошлаб 3 календар куни ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.3 “Етказиб берувчи” амалдаги ГОСТга мувофиқ товарни етказиб бериши шарт.

2.4 “Буюртмачи” товарларни қабул қилишда “Етказиб берувчи” иштирокида олинаётган товарларнинг тўлиқлигини ва сифатини савдоларни ўтказиш тўғрисидаги эълонда (буюртманомада) кўзда тутилган бошқа талабларга мувофиқлигини текшириши шарт.

2.5 Агар мазкур шартнома билан бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, товарларни ташиш ва тушириш буйича барча харажатлар Етказиб берувчи ҳисобидан амалга оширилади.

2.6 Буюртмачининг розилигига кўра товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.

2.7 Етказиб берилган товар бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади ва унда етказиб берилган товарларнинг миқдори, унинг сифати кўрсатилади.

Мазкур контрактда кўзда тутилган товарларни етказиб бериш, мазкур шартномага мувофиқ амалга оширилади.

## 3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1 Буюртмачининг ҳуқуқлари:

3.1.1 Етказиб берувчидан Шартномани бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш; Буюртмачи ҳисобидан товарлар ташиб келтирилганда, Етказиб берувчидан транспорт харажатларини қоплаб беришни талаб қилиш, агар мазкур шартноманинг шартларидан бошқа ҳоллар белгиланмаган бўлса;

3.1.2 Етказиб берувчидан жойлаштирилган буюртманомага кўра мазкур шартномага мувофик тегишли сифат ассортимент бўйича товарларни етказиб беришни талаб қилиш.

3.1.3 Сифатсиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра қуйидагилардан бирини талаб қилиш тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар билан алмаштириб бериш; камчиликларни бегараз бартараф этиш;

3.1.4 Етказиб берувчидан мазкур шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.2 Буюртмачининг мажбуриятлари:

3.2.1 мазкур шартномага мувофикўзининг жойлаштирилган буюртманомаси бўйича етказиб берилган товарларни қабул қилиш;

3.2.2 товарларнинг қийматини мазкур шартномада белгиланган нархда ва муддатда тўлаш.

3.3 Етказиб берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

3.3.1 "Буюртмачидан" олдиндан тўлов ва етказиб берилган товарлар учун якуний ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартибда ва ҳажмларда амалга оширишни талаб қилиш;

3.3.2 Буюртмачидан жойлаштирилган буюртманомага мувофик, етказиб берилган товарларни асоссиз равишда қабул қилмаслик натижасида етказилган зарарларни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.4 Етказиб берувчининг мажбуриятлари:

3.4.1 Буюртмачига товарларни мазкур шартномага мувофик белгиланган муддатда, миқдорда ва сифатда етказиб бериш агар товарларни етказиб бериш жараёнида Етказиб берувчи шартнома шартлари вამеёрларидан ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигидан четга чиқишга йўлқўйган ҳолларда Буюртмачининг талаби бўйича 10 кун муддат ичида барча аниқланган камчиликларини бегараз бартараф этиш.

3.4.2 Мазкур шартнома белгиланган тартибда мазкур шартнома шартлари ва талаблари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофик ижро этилиши шарт.

Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда шартнома бажарилган ҳисобланади.

#### 4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

4.1 Буюртмачи:

4.1.1 савдоларни ўтказиш учун Такдим этилган ҳужжатларини ишончилиги ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиклиги жавобгардир:

4.1.2 томонлар ўртасидаги шартнома Мажбуриятларини бажариш тугаллангандан кейин беш йил мобайнида савдолар предмети бўйича эълонлар ва техник ҳужжатларнинг асл нусхалари сақланиши учун жавоб беради.

4.1.3 Товарларни танлаб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврд) уларни етказиб берилганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб олувчи етказиб берувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи миқдориди, тез бузиладиган товарлар бўйича эса — 10 фоиз миқдориди жарима тўлайди.

4.1.4 Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, етказиб берувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мавжудлигининг қанолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.1.5 Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва хоказо) учун буюртмачи махсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдориди жарима тўлайди.

4.1.6 Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдориди, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдориди пеня тўлайди.

4.2 Етказиб берувчи:

4.2.1 савдоларда қатнашиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончилиги,

4.2.2 миқдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек тақлиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича етказиб берувчи буюртманомалари шартларининг буюртмачи буюртманомаларида назарда тутилган шартларга мувофиклиги;

4.2.3 савдолар шартларининг бошқа бузилишлари;

4.2.4 тузилган шартнома шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.



4.2.5 Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортимент ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) кунун ҳужжатларида ёки ҳужалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдоридан жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан ақсиз тартибда ундириб олинади.

4.2.6 Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, товар етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурий бажарилмаган қисмининг 0.5 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки қўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

4.2.7 Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берганлик учун етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) бундай товарлар қийматининг 5 фоизи миқдоридан жарима тўлайди. Товарлар қабул қилингандан кейин яна жўнатилиши ёки сақланиши керак бўлган ҳолларда сотиб олувчи (буюртмачи) жарима ундиришдан ташқари, ўз кучи билан, лекин етказиб берувчи ҳисобидан товарларни ўрашга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир шаҳардаги етказиб берувчидан товарларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

## 5. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1 Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қандайдая қўра, мустақил равишда уларни судга хал этиш чораларини қўрадилар.

5.2 Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни хал этиш учун бевосита иқтисодий судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3 Томонлар иқтисодий судга мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги иқтисодий судда қўриб чиқилади.

## 6. ФОРС-МАЖОР

6.1 Ушбу шартномага асосан мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар натижасида вужудга келганда томонлар ўз мажбуриятларини бажармасликдан қисман ёки тўлиқ озод бўладилар.

6.2 Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларига томонларнинг иродаси ва фаолиятига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғокчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини қўзғаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулотда, олдин олиб бўлмайдиган ва қўтилмаган ҳолатлар қиради.

6.3 Шартнома томонларидан қайси бири учун мажбуриятларни енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари сабабли бажармаслик маълум бўлса, дарҳол иккинчи томонга бу ҳақда 10 кун ичида ушбу ҳолатлар ҳаракати сабабини далиллар билан тақдим этиши лозим.

6.4 Шартномага асосан мажбуриятларни ижро қилиш муддати ушбу енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар давом этиш муддатида қадар узайтирилади. Агар енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) таъсири 60 кундан ортиқроқ давом қилса, томонлар ташаббусига биноан шартнома бекор қилиниши мумкин.

## 7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1 Ушбу шартномала томонларнинг қўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

## 8. ШАРТНОМАНING АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1 Мазкур шартнома қазначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб қўлга қиради ва 2022 йил "31" декабрда амал қилади.

8.2 Шартноманинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда шартнома бажарилган ҳисобланади.

8.3 Шартноманинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

### 9. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

#### «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»

Номи: «Отлик» д/х

Тел: \_\_\_\_\_

Манзили: Мархамат тумани

Хисоб рақами: 20208000204272806001

Банк номи: Миллий банк Мархамат филиали

МФО: 00035, СТИР: 203829067

ХХТУТ:

Рақбар: \_\_\_\_\_

М.У.

А.Сотволдиев

Ф.И.



#### «БУЮРТМАЧИ»

Номи: Мархамат туман МТБ

Манзили: Мархамат тумани Шомат МФЙ

Тел: \_\_\_\_\_

ШХВ: 1000022860032277091100251020

ШХВ\*:

СТИР: 305155325, ХХТУТ: 85100

Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги

Ҳазрати Ягона ҳисоб варағи

Ҳазна ҳ/р: 2340 2000 3001 0000 1010

МБ ББХКМ Тошкент шаҳар

МФО: 00014, СТИР: 201122919

Рақбар: \_\_\_\_\_

М.У.

С.Шамшиева

Ф.И.



# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

№ TN54462877

**1. Loyiҳaning turi** – Xo'jalik shartnomasi

**2. Loyiҳaning nomi** – *Tuman maktabgacha ta'lim bo'limining "Otliq" dehqon xo'jaligi bilan 8 305 000 so'm miqdoridagi mahsulot yetkazib berish bo'yicha 1-son shartnomasi.*

**3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot** - *Marhamat tuman maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan 28.01.2022 yil kuni қаўma taqdim etilgan.*

SHartnoma loyiҳasi O'zbekiston Respublikasining amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Marhamat tuman Yuridik xizmat  
ko'rsatish markazi boshlig'i**



**G'.Umarov**

31.01.2022 yil